FARG‘ONA VILOYATI QUVA TUMANI HOKIMINING QARORI

Quva tumani, Qayqubbod ko’chasi 244 uy

2021 - yil 30 - dekabr 193-11-156-Q/21 Quva tuman hokimiyati

Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари”нинг 118-банди ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 1-иловага мувофиқ, қишлоқ ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор “Қува ҳаёти” газетаси ва туман ҳокимлининг расмий сайтида эълон қилинсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Акбаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Х. Умаров**

Қува туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
193-11-156-Q/21-сон қарорига
1-илова

Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш

Т А Р И Ф Л А Р И

№	Ҳудудлар номи	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофаси (км)	МФЙ сони	Ҳудуд бўйича ўртача тариф		
				сўм/тн-км	сўм/тн	сўм/литр
1.	Қува тумани	3	1		7500	75

Қува туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
193-11-156-Q/21-сон қарорига
2-илова

Қува тумани ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш

Т А Р И Ф Л А Р И

ҚҚСсиз

№	Ҳудудлар номи	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофаси (км)	Ижтимоий муассаса сони	Ҳудуд бўйича ўртача тариф		
				сўм/тн-км	сўм/тн	сўм/литр
1.	Қува тумани	0	0	0	0	0